

Иззат тиласанг, хорликка тайёр тур



08:00 / 20.04.2020 2064

Яхё ибн Яхё айтади: «Суфён ибн Уяйнанинг ҳузурида эдим. Бир киши келиб, «Эй Абу Муҳаммад, хотинимдан шикоят қилмоқчиман. Мен унинг назарида энг паст, ёмон кишига айланиб қолганман», деди. Суфён узоқ ўйга толди. Кейин бошини кўтариб, унга: «Балки хотинингдан сени янада кўпроқ иззат-икром қилишини талаб қилгандирсан?» деди. У: «Тўғри, эй Абу Муҳаммад!» деди. Суфён: «Ким иззат талаб қилса, хорлик билан синалади. Ким мол-дунё учун ҳаракат қилса, фақирлик билан синалади. Аммо ким дин учун ҳаракат қилса, Аллоҳ таоло дини сабабли унга иззат ва мол-дунёни ҳам қўшиб беради», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан